
ДХХ кубогининг Тошлоқ туман босқичи ғолиблари аниқланди

2022 йил 24 май куни спортнинг “Мини футбол” ва “Футбол” турлари бўйича ДХХ кубоги мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

Жорий йилнинг апрель ойида старт берилган ушбу мусобақа тумандаги 51 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 15000 нафарга яқин

18-30 ёшдаги уюлмаган ёшларни қамраб олди.

Шиддатли ва мурасасиз ўтган баҳсларда “Мини футбол” тури бўйича сектор ғолиблигини қўлга киритган Найман, Юқориқишлоқ, Сўфилар ва Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари, футбол тури бўйича эса Гузарбоши, Фароғат, Сўфилар ва Бўстон маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари беллашиб яқунда

“Мини футбол” тури бўйича

1-ўрин Сўфилар МФЙ

2-ўрин Юқориқишлоқ МФЙ

3-ўрин Найман МФЙ

4-ўрин Бўстон МФЙ

“Футбол” тури бўйича

1-ўрин Бўстон МФЙ

2-ўрин Сўфилар МФЙ

3-ўрин Фароғат МФЙ

4-ўрин Гузарбоши МФЙ

жамоалари ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишди.

Тақдирлаш маросимида туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев, туман прокурори Ахроржон Худойбергандов, туман ИИБ бошлиғи Фарходжон Бектошев, туман ДСИ раҳбари Дониёржон Ташматов ва ДХХ Марғилон шаҳар туманлараро бўлими бошлиғи Шохрух Хатамовлар иштирок этиб ушбу мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар, фаол иштирок этган иштирокчилар ва бир гуруҳ ёшлар етакчиларига диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширдилар.

Шунингдек ғолиб жамоаларга “Ехро Kollor Prin Teks” МЧЖ нинг соврин жамғармаси 30 млн сўм бўлган пул мукофотлари ҳам топширилди.

2022-05-26 10:19:58